# Мавзу: Ҳозирги даврда мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви

## Режа

1. **Глобаллашув ва унинг мафкуравий жараёнларга таъсири**
2. **Мафкуравий полигон тушунчаси ва унинг жамият ҳаётига таъсири**
3. **Мафкуравий иммунитет ва уни шакллантириш омиллар**

Мамлакатимизда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, ўта шиддатли ва жуда мураккаб бир замонда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари босқичма-босқич қадам ташлаб борилаётган айни дамларда "Миллий истиқлол ғояси" фани бўйича пухта ва мукаммал билим, тушунча, кўникмага эга бўлишда семинар машғулотларининг аҳамияти ниҳоятда ортиб бормоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, истиқболимиз, келажагимиз сизу бизнинг бугунги харакатимизга, тадбиркорлигимизга, иймону виждонимизнинг поклигига ва Ватан манфаатини шахс манфаатидан қай даражада устун қўя олишимизга боғлиқдир.

Демократик жамият қуришнинг қонун-қонуниятларини, бу борада орттирган тажрибаларимизни пухта ўрганган ҳолда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдек ўта муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун энг аввало ва биринчи навбатда тўкис амалий иш олиб бора билиш жуда муҳим.

Шундай экан, маърузалар вақтида ўзлаштирган назарий билимимизни амалда қўллай олиш, кундалик ранг-баранг жўшқин ҳаётга талабдагидек жорий эта билиш учун керагича кўникма ва малака орттириш шу куннинг долзарб талаби.

**Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси**. *Ҳозирги давр-дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.*

Дунёнинг ҳудудий жиҳатдан турли минтақа ва қитъаларга бўлинишини география дарсларидан яхши биламиз. Жаҳоннинг сиёсий харитасига қараб ва мавжуд давлатларнинг чегараларини ҳисобга олган ҳолда ҳам Ер юзининг ҳудудий бўлинишини бемалол тасаввур қила оламиз.

Инсоният XXI аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда. Бутун Ер юзи одамзот учун ягона макон эканлиги аниқ. Бунга шак-шубҳа йўқ, албатта. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноқсиз урушлар бўлгани маълум. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомиллашиб борганини биламиз. Мазкур урушлар то XX асргача асосан кўпроқ бир давлат ичида, икки давлат ўртасида ёки нари борганда бир минтақа доирасида бўлиши мумкин эди. Тўғри, айтайлик, Александр Македонский, Чингизхоннинг улкан давлат барпо этиш учун ёки ўрта асрлардан бошлаб европалик истилочиларнинг бошқа қитъаларни забт этиш олиб борган урушлари кўлами жиҳатидан ажралиб туради. Аммо бундай ҳолатлар истисно ҳодисалар сифатида баҳоланмоғи керакка ўхшайди. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этганлигини эсласак бундай хулоса муайян даражада ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Уруш қуроллари такомиллашиб бораверди. Бугунги кунда улар бошқа ҳудудни босиб олиш уёқда турсин, балки бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади.

*Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва коммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.*

Натижада дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бермоқда.

Кишилик жамияти тарихи инсонда олижаноб фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам, айни пайтда ғайриинсонийликнинг хилма-хил кўринишлари илдиз отиб ўзининг мудҳиш қиёфасини намоён

қилишига ҳам кўп бор гувоҳ бўлган. Афсуски, инсониятнинг бутун тарихи давомида бундай иллатлар унга ҳамроҳлик қилиб келди, турли даврларда янги шакл - шамойил, хусусият касб этди. Бугунги кунда уларнинг энг ёвузлари Ер юзидаги тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликка ва охир-оқибатда инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирмоқда.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Уларнинг асосий шакллари ва йўналишлари Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида кўрсатиб берилган. Мазкур маърузада ана шу асардан асосий манба сифатида фойдаланамиз.

Тараққиётга нисбатан хавф-хатарлардан бири буюк давлатчилик **шовинизмидир**. Буюк давлатчилик шовинизмини, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий - сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади»1.

Кўриниб турибдики, буюк давлатчилик шовинизми ғайриинсоний характерга эга. Зеро, у ўз моҳиятига кўра миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб - ташвиқ қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир.

**Буюк давлатчилик шовинизми пайдо бўлишининг сабаблари нимада?** Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда буюк давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларни ўзларининг «ҳаётий манфаатлари» ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсати юргизганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айнан босиб олинган ҳудудларнинг табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, бу мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзлаштириш уларга улкан ва қудратли давлатга айланишга имконият яратди. Бунинг оқибати ўлароқ, ўз атрофидаги мамлакатлар ва халқлар билан муносабатда ўзини устун, танҳо ва ягона деб билиш, инсоният тақдири, халқлар келажагини белгилашда алоҳида мавқега даъвогарлик ифодаси сифатида баҳоланиши мумкин бўлган мумтозлик мафкураси тарих саҳнасига чиқди. Бундай мафкура давлат сиёсатининг асосига айланганда узоқ давом этган қонли урушлар келиб чиқиши, бутун бир минтақаларнинг вайрон бўлиши, кўплаб халқларнинг қарам қилинишини исботловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Иқтисодий имкониятлари заифлашган, ижтимоий тотувликка зил кетган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдиридан ўзининг тор манфаатларини устун қўядиган, ўзаро келиша олмаётган, ҳокимиятга даъвогар сиёсий гуруҳларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар

1 И.А. Каримов. “¤збекистон XX1 аср б´са²асида: хавфсизликка таμдид, бар³арорлик шартлари ва тара³³иёт кафолатлари”. Тошкент, ¤збекистон, 1997 йил, 52-бет.

ёрдамида ҳал қилишга уриниши ва маънавий-руҳий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик туйғулари ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини замонавий тарих ҳам кўрсатиб турибди.

Афсуски, бизнинг ўлкамиз ҳам буюк давлатчилик шовинизмининг фалокатли таъсиридан четда қолмади. «У ҳам узоқ вақт давомида ҳукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик ғояларининг бутун жафоларини тортиб келди,- деб ёзади Ислом Каримов.- Ўзбекистон Россия империяси, сўнгра эса собиқ Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турилган мураккаб даврни бошдан кечирди»2.

Буюк давлатчилик шовинизмининг хавфи бундай позицияда турган кучлар, давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий салоҳиятининг катталигидагина эмас, балки ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ кўрсатиш имкониятларининг кенглигида, улар қўлидаги ғоявий таъсир ўтказиш восита ва механизмларининг хилма-хиллигида ҳамдир.

Буюк давлатчилик шовинизми бугунги кунда пансоветизм билан ўзига хос тарзда қўшилиб кетмоқда. Пансоветизм тушунчаси узоқ вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланган. Аммо, Президентимиз ўринли таъкидлаганидек, бундай қарашлар ортида ҳам содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган ғояларини ҳаётимизга қайтадан тиқиштиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишга қаратилган интилиш ётганлигини ёддан чиқармаслик зарур.

Буюк давлатчилик шовинизмининг пансоветизм байроғи остида жонланишининг сабаблари нимада? Жиддий таҳлил қилинадиган бўлса, биринчидан, беҳисоб хомашё ресурслари, ишчи кучи, транспорт коммуникацияларидан фойдаланишдан, геостратегик мавқедан маҳрум бўлиш; иккинчидан, собиқ колонияларнинг ўз метрополияси таъсири ва тазйиқидан халос бўлишга интилиши, мустақил ички ва ташқи сиёсат юрита бошлаши; учинчидан, халқаро майдонда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик устувор бўлиб бораётганини тушунмаслик, тўғрироғи тушунишни истамаслик; тўртинчидан, бошқа кучлар маркази томонидан гўёки унинг «ҳаётий манфаатлари» тан олинмаётгани, у амал қилаётган ҳудудлар торайтирилаётганини рўкач қилиш ва, ниҳоят, бешинчидан, мақтанчоқлик, инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига ортиқча баҳо бериш, уни бетакрор ва ноёб деб ҳисоблаш ҳозирги кунда буюк давлатчилик шовинизмининг жонланиши учун «асос» бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунда оммавий ахборот воситалари орқали психологик таъсир ўтказишнинг янгидан - янги усулларидан фойдаланадилар. Хусусан, миллий ҳаётимизга хос муайян хусусиятларни очиқдан-очиқ қоралаш, ерга уриш ёки айрим тарихий воқеа-ҳодисаларни умуман бўлмагандек, жаҳон маданияти, илму-фанига улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларимизни бизга алоқаси йўқдек қилиб кўрсатишга уринишлар мавжуд.

---

2 И.А. Каримов. “¤збекистон XX1 аср б´са²асида: хавфсизликка таµдид, бар³арорлик шартлари ва тара³³иёт кафолатлари”. Тошкент, ¤збекистон, 1997 йил, 53- бет.

Шунингдек, минтақа давлатлари ўртасида зиддиятлар келтириб чиқариш ва жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга бўлаётган интилишларни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин. Диний ақидапарастлик шулар жумласидандир. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб уларнинг ягона халифалик остида сиёсий бирлашуви ғоясини асослашга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, бу диний-сиёсий идеология диний асосда бирлашув ғоясини биринчи ўринга қўяди. У диний-маънавий заминдаги уйғунлик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник соҳалардаги ҳамкорлигига, улар салоҳиятининг бирлашишига ва халқлар тараққиётига йўл очса бунинг нимаси ёмон деган саволни ўртага ташлайди. Юзаки қараганда бу гап тўғрига ўхшайди. Бундай мафкура тарафдорлари ўз қарашларини аксарият ҳолларда ана шундай «беозор» шаклда тақдим этишга ҳаракат қиладилар.

Аммо, жиддий эътибор бериладиган бўлса, биринчидан, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ёки уни бой бериш ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётганлари маълум бўлади.

Иккинчидан, халифаликни тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар. Бу ғояни тиқиштиришда улар бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида урғу берадилар.

Тўғри, биз мусулмон халқмиз. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, бундай кучлар ана шу реалликни тан оладилару, ўз тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз, жаҳон халқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлимиз борлигини инкор этишга ҳаракат қиладилар. Албатта бу ҳақиқатни тан олиш олмаслик уларнинг иши. Аммо ўзларининг бундай ғайриилмий қарашларини кишиларимиз, айниқса ёшларимиз онгига сингдиришга ҳаракат қилаётганликларига бефарқ қараб бўлмайди.

Бундан ташқари, бу оқим тарафдорлари халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига, баъзан «цивилизациялар тўқнашуви» деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг

ҳар бири ўзига хос тарзда дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринмоқда.

Бугунги кунда халқларнинг лисоний бирлигига таянган ҳолда уларнинг маънавий-маърифий бирлигини таъминлаш байроғи остида тақдим этилаётган ғоялар ортида ҳам аслида ғаразли мақсадлар яширинганлигини унутмаслик лозим.

Оламнинг бугунги кундаги мафкуравий манзараси ҳақидаги мулоҳазалар якунида нима дейиш мумкин? Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратаётган мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ.»Мен,- деб ёзади Президентимиз,-Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир»[3].

Бу масаланинг долзарблиги юқорида қайд этилган мафкура шаклларининг хавфини бартараф этиш зарурлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, уларга ғоя ва маърифат билан қарши курашиш лозим. Мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўли билангина қўлга киритилган истиқлолни ҳимоя қиламиз. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан тарих тақозоси билан алоқалар кучли ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли, иззат-икромли муносабат, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир - бирига таъсир этиб, бир - бирини бойитишнинг ибратли намунасини берадиган маконга айланади.

**Ҳозирги давр ва мафкуравий полигонлар.** Жамият ҳаётида мафкуравий омилларнинг сезиларли таъсири мавжудлигини бир қарашдаёқ сезиш мумкин.

Ғаразли геосиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги мафкуравий таъсир ўтказишда энг аввало **бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил** деган қадимий тамойилга амал қилишга уринишни таъкидлаш зарур.

Бу тамойилни рўёбга чиқаришнинг биринчи йўли мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришдир. Ва у жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида ўзига хос кўринишда намоён бўлмоқда. Масалан, мамлакатимизга нисбатан бу усул ўтиш давридаги ижтимоий - иқтисодий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотиш, ўз

---

3 И. Каримов. Жамиятимиз мафкураси хал³ни-хал³, миллатни-миллат ³илишга хизмат этсин. Т.,¤збекистон, 1998, 17-бет

ноғораларига ўйнайдиган мухолифатчи кучларни юзага келтириш йўли билан сиёсий беқарорликни келтириб чиқаришга бўлган ҳаракатларда намоён бўлди. Бу йўлда диний омилдан фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилаётир. Ана шу ҳолат ҳам «мақсад воситани оқлайди» деган ақида ғаразли геостратегик манфаатларни рўёбга чиқаришнинг асосий қоидасига айланаётганлигини кўрсатади.

«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилини амалга оширишнинг иккинчи йўли минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юзага келтиришдир. Бу йўлнинг энг кенг тарқалган усули гўёки минтақада гегемонликка талабгор бўлган давлат борлигини асослаш, таъбир жоиз бўлса, шундай давлат образини яратишдир. Бундай образларнинг яратилиши ер юзининг турли нуқталарида низоли, кам деганда давлатлараро муносабатларда тангликни юзага келтирганлиги тўғрисидаги мисолларни истаганча топиш мумкин. Бундай «образлар» яратилиши натижасида мамлакатларнинг моддий-молиявий, маънавий-интелектуал салоҳияти жамият тараққиётини таъминлаш ўрнига ана шу «образ» таъсирининг олдини олишга йўналтирилмоқда. Натижада иккинчи асосий мақсадга-муайян давлатни заифлаштириш орқали ўз «иттифоқчисига» айлантиришга эришилмоқда.

«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилини амалга оширишнинг учинчи йўли халқаро майдонда муайян мамлакат ҳақида нотўғри, нохолис тасаввурларни шакллантиришдир. Халқаро муносабатлар майдонидан айрим мамлакатларнинг вақти-вақти билан «қувғин» қилиниб турилиши ана шундай ҳаракатлар натижасидир.

**Имтиёзли ҳамкорни белгилаш** муайян минтақада геостратегик манфаатларни амалга оширишга хизмат қиладиган яна бир тамойилдир. Албатта, муайян сабаблар, айтайлик диний, лисоний бирлик, маданий яқинлик ёки бошқа сабаларга кўра ҳар бир давлат ким биландир имтиёзли ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу табиий ҳолат. Аммо гап «имтиёзли ҳамкор»дан минтақа давлатлари ўртасида айирмачиликни шакллантириш, «номақбул» давлатлар имкониятларини чеклаш йўлида фойдаланиш, шу билан бирга «ҳамкор» давлатнинг минтақадаги бошқа давлатлардан қайсидир жиҳатдан устунлигини таъминлашга қаратилган интилишлар ҳақида бормоқда. Аслида у ёки бу кўринишдаги устунликни таъминлаш ҳам асосий мақсад эмас. Бош мақсад - муайян минтақага таъсир ўтказиш плацдармига эга бўлишдир. Бундай плацдармга эга бўлишга интилиш эса ўз навбатида ушбу минтақанинг геостратегик имкониятлари билан белгиланади. «Бекорга шудгорда қуйруқ на қилур» деганларидек имтиёзли ҳамкорни белгилашда ана шундай узоқни кўзловчи ғаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадлар ҳам ётиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, «имтиёзли ҳамкор» тамойили бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил тамойилининг тўлдирувчиси сифатида юзага чиқади. Бунга собиқ Иттифоқнинг Кубадан минтақага революцияни экспорт қилиш учун фойдаланишга урингани мисол бўла олади.

**Тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик** тамойилига амал қилиш - геостратегик манфаатларни рўёбга чиқариш ва давлатлараро алоқаларни

мустаҳкамлашнинг энг оқилона ва тўғри йўлидир. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ ана шу тамойилга амал қилиб келмоқда. Негаки, бу тамойил геостратегик манфаатлардаги уйғунликка эришиш ва жаҳон миқёсида тараққиётни таъминлаш омилидир.

**Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика.** Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилганлигини қайд этиш лозим. Улар қаторида «мафкуравий иммунитет», «мафкуравий профилактика» кабилар бор. Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характерини янада яққолроқ тасаввур қилиш имкони туғилади.

Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки, муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, тўғрироғи уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда у ёки бу ғоя фақат муайян хабар ёки ахборот сифатида сақланиб қолади, холос. Бошқача айтганда, омборхонадаги кераксиз буюмлар каби онгимизнинг бир четидан жой эгалаб ётавериши мумкин. Бир сўз билан айтганда, бундай ҳолатда ғоя шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. Ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда мафкуравий полигонга айлантирилмоқда. Хўш, мафкуравий полигон деганда нимани тушунамиз? Полигон (грек. серқирра деган маънони билдиради) ҳарбий термин эканлигига ўрганиб қолганмиз. Одатда полигон деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада машқ ва тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мафкуравий полигонларнинг хусусиятлари ҳақида нима дейиш мумкин? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб борганини кўрамиз. У найзалардан токи автоматик қуроллargача, замбараклардан то ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини йўқотиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ичида ўзларининг ғайриисломий ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган кимсалар ана шундай ғаразли мақсадларни, яъни одамлар, айниқса ёшларни чалғитиш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган эдилар. Чет элларда ана шундай «таълим» олган ваҳҳобийлар, шунингдек «ҳизбут таҳрир»чиларнинг ёшларимиз онгини заҳарлаш йўлидаги ҳаракатларини ҳам айнан шундай баҳолаш мумкин.

Мафкура полигонларида синовдан ўтаётган, моҳиятан ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш учун аҳолида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим. Иммунитет (лат. immunitas - озод бўлиш, қутилиш) деганда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, уни ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Иммунитет киши вужудининг турли инфекцион касалликларга берилмаслик хусусиятини ҳам ифодалайди. Инсоннинг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирларга акс жавоб сифатида орттирилган иммунитет тизими шаклланади. Иммунитет ҳақидаги ана шу тасаввурдан келиб чиқиб мафкуравий иммунитет ҳақида нима дейиш мумкин? Аввало, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Учинчидан, иммунитет тизими шаклланганлагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин (иммунитетга эга бўлмаган чақалоқларнинг узоқ яшай олмаслигини эслайлик).

Хўш, мафкуравий иммунитет тизими ўз ичига нималарни олади? Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури, бу билимдир. Аммо, билимлар кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар ва уни бошқаларга сингдиришга ҳаракат қиладилар. Шундай экан, бир томондан мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устиворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар замирида шаклланадиган қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Аммо, билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки унсур мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими

билан боғлиқ. Яъни ҳар бир киши каби, халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши шарт.

,

Ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у чегара билмайдиган, ҳудудни писанд қилмайдиган хилма – хил муаммоларга сероб. Бирон давлат – у ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик давлат бўладими, - ичида вужудга келган муаммо тез суръатлар билан нафақат ён-веридаги, қўшни давлатларга, шу билан бирга олисдаги давлатларга ҳам кириб бормоқда. Бир давлатнинг ташвиши бошқа давлатларни ҳам ташвишга солмоқда. Муаммолар кўлами ёйилиб кетмоқда, бошқача айтганда, глобаллашмоқда.

Глобаллашув, Президентимиз таъбири билан айтганда, бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

Ҳозирги вақтда, юқорида айтиб ўтганимиздек, ер юзининг қайси бурчагида қандай воқеа юз бермасин, ундан шу топдаёқ дунёнинг бошқа чеккасида хабардор бўлишмоқда.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келмоқда. Диний экстремизм, буюк давлатчилик шовинизми, агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция, жиноятчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар, наркомания, наркобизнес, турли юқумли касалликлар, спид ер юзининг дам у, дам бу сарҳадларида инсониятни безовта қилиб келмоқда. Бу иллатларнинг ҳар бири давлатлар, минтақа, ҳудудлар, ер юзи ҳавфсизлигига таҳдид қилмоқда.

*Шу ҳақда фикр юритаётганда ёвуз ғоя ва унга асосланган мафкураларнинг энг кўп тарқалган шаклларидан бири диний ақидапарастлик хусусида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади.*

*Бу ижтимоий иллат дунёдаги тинчлик ва тараққиётга катта ҳавф туғдирмоқда. Шуниси ачинарлики, бу иллат таъсирига тушиб қолаётганлар ҳозирда хам йўқ эмас.*

*Шу боис талабалар ақидапарастликнинг туб моҳияти ва зарарини яхшироқ тушуниб олишларига катта аҳамият бериш лозим.*

*Ислом фундаментализми – ақидапарастликнинг таҳдиди нималарда намоён бўлмоқда деган саволга жавоб бериш керак.*

Ақидапарастлар демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантирмоқчи бўлаётирлар.

Фундаменталистлар адолат ҳақида жар солиб, бақироқ ва асоссиз даъватлари билан одамларни ўзларига кўр-кўрона эргашишларига уринмокдалар. Улар одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишни истамоқдалар. Улар мусулмонларни "ҳақиқий" ва "соҳта" диндорларга бўлиб, улар ўртасида қарама-қаршилик келтириб чиқармоқчилар, террорчилар, жангарларнинг янгидан-янги авлодлари вужудга келмоқда..

Фундаменталистлар бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз ҳақида турли-туман фикрларни ёймоқдалар, бизни гоҳ динсиз даҳрийлар қилиб, гоҳ давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатмоқдалар.

Ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршиликни шакллантиришга харакат қилмоқдалар.

Диний экстремизм ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан олдинги) асри жамиятларига айланганлар. Улар "исломий тартиб"ни ўрнатиш учун кескин ва агрессив харакат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Кўриниб турибдики, уларнинг асл мақсади Марказий Осиёда беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат ҳокимиятни кўлга олишдир.

Шу мақсадда улар, энг жирканч саъйи-харакатлар – террорчилик йўлига ўтмоқдалар, давлат, жамоат арбоблари ҳаётига қасд қилиш, ёки ҳозирги халқаро муносабатда бирор мамлакат сиёсатига таъсир кўрсатиш ниятида давлат рахбарлари, ҳукумат бошлиқлари, дипломатик ваколатхона аъзолари, ҳаттоки бегуноҳ аҳолига қарши қотиллик ва зўравонлик уюштирмоқдалар.

*Терроризмнинг асл моҳияти нимада? Бу ҳақда талабалардан сўраб кўриш керак.*

*Конкрет мисоллар ёрдамида террорчиларнинг асл башарасини фош этиш зарур.*

*1999 йил 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган воқеани эсланг. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида кучли портлаш содир бўлиши оқибатида бинога катта моддий зарар етди, ён-атрофдаги айрим иморатларнинг ойналари синди. Бундай портлашлар бирнеча жойда содир бўлди. Оқибатда 13 киши ҳалок бўлди, юздан зиёд киши тан жароҳати олди, бирнеча машиналар ёниб кетди. Жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакиллари эди.*

*Террорчилар бу билан кифояланмай, яна Тошкент шаҳрида, шу билан бирга республикамизнинг бошқа шаҳарлари, чунончи, Бухоро, Андижон ҳудудларида ҳам ана шундай ёвузликларни амалга оширдилар.*

*Ислом фундаментализмининг қўпорувчилик харакатлари нималарга қаратилган?*

*Бу саволни талабалар ўртасига ташлаб, озми-кўпми уларнинг фикрини билиб олиш зарур ва шунга қараб бу масалада яна нималарга аҳамият бериш лозимлигини аниқлаб олиш ҳамда тегишли чораларни кўриш керак бўлади.*

*Ислом фундаментализми ақидапарастликни ёйиш билан мусулмонларнингислоҳотларга, келажакка, истиқболга ишончини йўқотиш, умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликка раҳна солиш, демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини, эътиқод эркинлигига асосланган кўп конфессияли дунёвий*

*жамиятни обрўсизлантиришни асосий мақсад қилиб олганлигини алоҳида тушунтириб бериш даркор.*

Тараққиётга ҳавф – ҳатар туғдираётган ижтимоий иллатлардан яна бири - бу буюк давлатчилик шовинизмидир.

*Бу ўта зарарли ва ҳавфли иллат хусусида сўзлашаётганда президентимиз И. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарига мурожаат қилиб, ундаги буюк давлатчилик шовинизми тўғрисида билдирилган фикр – мулоҳазаларни ўқиб, фикр алмашиш айни муддао бўлади.*

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик тақдири нималарга сабаб бўлиши мумкин:

- халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама – қаршиликни келтириб чиқаради,
- халқаро – хуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик қилади,
- мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг хуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уринади,
- мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилади.
- миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқаради, миллатлараро муносабатларни кескинлаштиради,
- янги мустамлакачилик ва империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдиради, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг хуқуқли ҳамкорликни секинлаштиради.

Шуни айтиш керакки, айрим давлатлар ҳали – ҳанузгача империяча фикрлашдан воз кечгани йўк. Улар атрофдаги мамлакатлар билан ўз муносабатларини устунлик ва мумтозлик нуқтаи назардан амалга оширишга интилмоқдалар, бошқа халқларни камситиш ва чеклаш сиёсатини юргизмоқдалар.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик бу айрим муайян кучлар ва давлатларнинг сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ҳукмронлигидир.

Бизнинг Республикамиз ҳам дастлаб Россия империяси, сўнгра Совет империяси даврида ана шундай вазиятда бўлди, узоқ йиллар мобайнида ҳукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик азоб – уқубатларини татиб келди ва бу ҳол қандай ачинарли ҳолатлатларга олиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

*Шу ерда совет давридаги ҳол - аҳволимизни бирма – бир эслаб кўриш, тўғри хулоса чиқариш катта аҳамиятга эга. Чунки талабалар ўртасида ҳалигача совет даврини мақтаб юрадиганлар йўк эмас. Улар бу масаланинг айрим моддий ва маънавий жиҳатларинигина тан олиб, ўтмишимиз (совет даври) нинг салбий томонларини аниқ – равшан кўрмаётирлар.*

*Бу ҳақда очиқ, ошкора суҳбат уюштириш ниҳоятда зарур. Суҳбат давомида ҳарбир талабага кенг эркинлик бериш, ҳар бирини қунт билан эшитиш ва айтилганлардан тўғри хулоса чиқариб, нималарни тушунмаётганликларини, қайси масалалардадир ҳато, камчиликка йўл қўяётганликларини рўй – рост айтиб ўтиш зарур.*

*Этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноят юзасидан ҳам ана шундай кенг мулоқот ўтказиш керак бўлади.*

Бугун биз, Президентимиз айтганидек, тез сурътлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган, ўта шиддатли ва мураккаб замонда яшамоқдамиз. Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тоборо тез ва чуқур кириб келмоқда. Ҳозирги пайтда у ҳаётимизнинг барча соҳаларига ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсир ўтказмоқда.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув ҳам ўз ижобий ва салбий томонларига эга.

Ижобий томони шунда кўринмоқдаки, давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқалари кучаймоқда, капитал, товарлар, ишчи кучи эркин харакат қилиши учун катта қулайликлар яратиб берилмоқда, кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, илм - фан ютуқлари тезлик билан тарқалмоқда, қадриятлар умуминсоний негизда уйғунлашмоқда. Шу билан бирга цивилизациялараро мулоқот янгича сифат касб этмоқда, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятлари ортмоқда ва ҳ. к.

Глобаллашув мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланди. У ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ана шундай вазиятда миллий ғоя ва мафкурага бўлган эҳтиёж ниҳоятда ошади. Бундай шароитда ҳар бир одам ўз мустақил фикрига эга бўлиши, ўз мустаҳкам дунёқараши, мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Акс ҳолда, турли маънавий таҳдидларга қаршилик кўрсата олмайди, уларнинг таъсирига берилиб, тўғри йўлдан адашиб, берк кўчага кириб кетиши осон бўлиб қолади.

*Миллий ғоя ва мафкурага эҳтиёж нима сабабдан ошиши хусусида гуруҳ талабалари билан мулоқот қилиб кўриш керак. Ким нима деб ўйлайди, ким бу масалаларга қандай кўз билан қарайди. Нима қилиш, нималарга жиддий эътибор бера бориш зарур деб ҳисоблайди.*

*Машғулот охирида шу ҳақда, қисқа, лўнда, ёзма иш ёздириш, бизнингча, ёмон бўлмайди. Яхшиси, аноним ёзма бўлгани маъқул.*

*Кейинги машғулотда бу ишларни бир сидра таҳлил қилиб, зарур хулосалар чиқариш ва керакли тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади.*

**Эсингизда бўлсин!**

*“Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг аҳлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган*

*маънавий ва аҳлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.*

*Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида аҳлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.*

*Ҳозирги вақтда аҳлоқсизликни маданият деб билиш ва, аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта ҳавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.”* ***(Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 117-бет.)***

XXI аср жахонда глобал узгаришлар, инсоният тақдирида улкан янгиланишлар, жаҳон системасида халқлар, миллатлар, элатларнинг бир бирига нисбатан гоҳ салбий, гоҳ ижобий муносабатларининг ёрқин кўриниши орқали кириб келди. Бизга маълумки Ўзбекистон стратегик жиҳатдан қулай минтақада жойлашган. Бошқача қилиб айтганда мазкур минтақа Ғарб билан Шаркни бир-бири билан боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Марказий Осиёнинг энг йирик салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳозирги кунда ўзининг жаҳоний тараққиёт сари дадил илдамлаётган, буюк бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ҳақли ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакат сифатида дунёда ўз мавқеига эга бўлиб бормоқда. . Мана шу жиҳатлари билан ўз мустакил давлатчилигига эга бўлган мамлакатимиз ҳозирги кунда халқаро миқёсда ўзининг муносиб ҳамкор ва шерикларига эга бўлиб, геосиёсий маконда тенглар ичра тенг муносабатларга киришмокда.

Жаҳонда геосиёсий жараёнларда ўзини кўрсатмокчи бўлган мамлакатлар энди ривожланиб келаётган мамлакатларга ўз мафкурасини, ўз сиёсатини киргизишга, кези келганда бу йўлда зўравонлик нуқтаи назарларини хам намоён қилишлари мумкин. Яқин ўтган кунларимизда биз ана шунга ўхшаш жараёнларни гувоҳи бўлдик. Лекин мамлакатимиз Президенти халқаро сиёсатда қатъийлик, узоқни кўра олиш қобилиятларини намоён қилиб, ўзимизнинг танлаган йўлимиздан адашмасдан собиткадамлик билан боришимиз лозимлигини исботлаб берди.

Мамлакатимиз географик нуқтаи назардан халқаро терроризм ва диний экстремизм хавфи мавжуд минтақада жойлашган. Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда минтақада барқарорликни сақлаш, терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш мақсадида стратегик ҳамкорлар бизнинг мамлакатимиз учун зарурлиги равшан бўлиб колди. Ташқи омилларнинг мамлакатимиз фуқароларининг ҳаётига, аҳолининг сиёсий

онг ва маданиятига таъсир кўрсатиши, улардан бу таъсирларга ўз вақтида жавоб қайтариш ва қатъий фаолликни талаб қилади. Президентимиз И.А.Каримов жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш ишларини мураккаб жараён эканлигини таъкидлайди: "Табиийки, буларнинг хаммаси бизни ташвишлантирмасдан қўймайди. Ўз навбатида биз ҳам давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай таҳдид балосидан сақланиш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўламиз. Сир эмаски, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, хатарларнинг олдини олиш қанчалар мураккаб, нозик ва қалтис масала. Буни албатта, билган билади, билмаган билмайди"[1].

Узбекистон Республикасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини кўролмасдан, баъзи жорижий давлатлар, шунингдек, экстремистик ташкилотлар гаразли кўз билан қараб, тажовуз объекти қилишга ҳаракат қилмокдалар. Шу сабабдан Республикадаги вазиятни содда халқни авраш ва чалғитиш орқали диний кайфиятдаги мажароларни сунъий равишда вужудга келтириш, сепаратистик мазмундаги ғояларни тарқатиш ҳамда юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстликка раҳна солиш йўли билан мамлакатмиздаги вазиятни беқарорлаштиришга Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдид солувчи потенциал ва реал манбалардан бири эканлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг "Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида мустақил мамлакатимизнинг тинчлиги хавфсизлиги ва барқарорлигига хар томонлама хавф солиб турган таҳдидларни кўрсатиб ўтар экан, "хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим? Баркарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт учун собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?" деган долзарб саволларни қўяди. Ана шу саволларни хавола килар экан, мамлакатимиз Президенти халқимиз томонидан қўлга киритилган улкан оламшумул бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, унинг ҳар томонлама истиқболи ва тараққиётининг замирида барқарорликнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлайди. Ана шу барқарорликни таъминлаб бориш эса мамлакатимизда яшаётган фуқароларнинг доимо огоҳликка, ҳушёрликка чақиради. "Шунинг учун хам "Огоҳ бўлинг одамлар!" – деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар – ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафкатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир"[1], деб таъкидланади ушбу асарда.

Ушбу фикрлардан мамлакатимизда яшаётган миллати, дини, ирқи, ижтимоий келиб чикишидан қатъий назар хар бир фуқаро шу юрт, шу

[1] И.А.Каримов. Биз келажагимизни уз кулимиз билан курамиз. 7 т. "узбекистон" 1999 й. 85, 101 – б.б.

[1] И.А.Каримов. Узбекистон XX1 аср бусагасида. Хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент 1997 й. 10 б.

ватанни кўз корачиғидек асраш, уни ҳар қандай ёвуз мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, унга ситқидилдан хизмат қилиш лозимлиги, ўзида ана шу таҳдидларга қарши улкан иммунитет шакллантириши лозимлиги келиб чикади. Ўз юртининг осойишталиги, тинчлик ва хотиржамлиги ва фаравонлигини хамма нарсадан афзал деб билиш, шу йўлдаги курашни уз фаолиятини узвий таркибий қисми деб хисоблаш халқимизнинг олий мақсади бўлиши лозим. Бу мақсадларни аҳолида ватан яхлитлигини уюшган ҳолда, ўзида муштарак мақсад ва муддаоларни ва кўникмаларни шакллантирган ҳолда таъминлаш лозимдир. Инсон қалби, унинг онггида ёвузлик одатлари ва эзгулик фазилатлари бирдек мужассам бўлади. Ана шу нуқтаи назардан инсонларда эзгулик фазилатларини доимий равишда намоён қилишларига тарғибот ва ташвикот воситалари билан эришиш, уни ватан тараққиёти ва истиқболи учун хизмат килдиришимиз лозим бўлади.

Президентимиз ўз асарида “Афтидан, бугунги кунда хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабатда бўла олишнинг узигина етарли эмас. Мавжуд хавф-хатарларни табиатини тўғри тушуниб етишимиз керак”[1], дея таъкидлайди. Бизнинг бу йўлдаги асосий вазифамиз халқимизнинг онггида халқаро терроризм ва экстремизмнинг моҳиятини, унинг зарарли иллатларини, хавф-хатарларни доимий равишда мавжудлигини, “ўзингга эхтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма” қабилида иш юритиш лозимлигини доимий равишда сингдириб боришимиз лозимдир. Бу жараёнларда биз аҳолига ислом ва жаҳон динларининг моҳияти, уларни факат эзгулик қуроли эканлиги, жоҳиллик кўринишлари эса, фақатгина маърифатсиз инсонларга хос эканлигини тушунтириб боришимиз лозим бўлади.

Ислом юз йиллар давомида инсонларга маърифат нурини, яхшилик ва эзгулик , гояларини, бағрикенглик ва ватанпарварлик руҳини сингдириб келаётган, муқаддас дин ҳисобланади. . Ислом динининг муқаддас манбалари “Қуръон” ва ҳадисларда инсонлар, халқлар ва давлатлар ўртасида факат тинчлик ва биродарлик, барқарорлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилиб келган маърифий каломлар жуда кўпдир. “Ассалому алайкум” сўзи ҳам “Сизга тинчлик тилайман” деган буюк чақириқдир. Ана шу калом халқимиз қон-қонига сингиб, улар орасида улуғ кадриятга айланган. Қуръони Каримнинг Бақара сурасида кишиларга хавфу хатар каби нарсалар билан имтихон килиб турилиши, бу жараённи енгиб ўта олиш талаблари тўғрисида айтилади. (115-оят) Шунингдек, ушбу муқаддас китобда бировларнинг қонини нохақдан тўкиш гуноҳи азим, дейилгандир.

Ушбу қадриятларни доимий равишда асраш, унга амал қилиш кўникмалари ҳар бир фуқарода мужассамлашиши эса, аҳоли ўртасида диний экстремизм иллатларини бўлишига йўл қўймайди. Зеро шу ўринда мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг қуйидаги айтган сўзларини келтириб ўтиш жоиздир: “Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда

---

[1] И.А.Каримов. Узбекистон XX1 аср бусагасида. Хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент 1997 й. 11 б.

фаол катнашаётган, давлатимиз сиёсатини қуллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг соф диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман”[2].

